

Афғонистонда аёллар иштирокидаги теледастурлар тақиқланади



12:20 / 23.11.2021 2318

Толибон Афғонистонда аёллар иштирокидаги теледастурларни тақиқлаб қўйди. Бу ҳақда Исломий даъват вазирлиги баёнотида айтилди.

Мамлакатда оммавий ахборот воситаларининг янги қоидалари барча фаолият юритаётган телеканалларга тақдим этилди. Аёллар иштирокидаги телесериаллар ва театрлаштирилган томошалар тақиқланади. Ислом қонунлари ва афғон урф-одатларига зид бўлган барча фильм ва сериаллар ҳам тақиқланган. Вазирлик чет эл маданиятини сингдирувчи фильмларни намойиш этиш тақиқлаган.